

2022-йил III чорак якунида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисида

**2022-йил III чорак якунида жамоатчилик фикри асосида
шакллантирилган**

тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021-йил 22-апрелдаги КҚ-213-IV-сонли ва халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг 2021-йил 21-майдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 06-29/170-сонли қарорлари билан тасдиқланган Низомнинг 28-30-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021-йил 21-майда “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 06-29/170-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 28-бандига асосан 2022-йил III чоракда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан туман ҳокимлиги молия бўлими мудирини (И.Кушаков)нинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022-йил III чорақда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар, яъни ташаббусли бюджет натижалари бўйича маълумотлар 1-иловага мувофиқ;

2022-йил III чорақда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ишларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумот 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Туман ҳокимлиги молия бўлими (И.Кушаков) ҳамда туман ғазначилик бўлинмаси (А.Худойназаров) шартномаларга мувофиқ якуний маблағларни белгиланган тартибда ғолиб таклифларни молиялаштириш, натижалари бўйича маълумотларни туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Ж.Абдурасулов) билан биргаликда келтирилган иловаларга мувофиқ шаклларда “Очиқ бюджет” ахборот портал ҳамда туман ижтимоий тармоқларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва ҳар чорақ якунларига кўра, кейинги чорақ биринчи ойининг 25-санасига қадар жойлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Юқоридаги белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар ойда тегишли мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.
5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи о‘ринбосари ҳамда бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг маҳаллий бюджет иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Л.Мусайев) зиммасига юклансин.
6. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Сессия раиси: Т.Тангиров

Халқ депутатлари туман

Кенгаши 2022 йил 7 октябрдаги VI-48-157-8-115-К\22-сонли қарорига 1-2 жадвал

Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича

МАЪЛУМОТ

1-жадвал

(млн сўмда)

Т/р	Кўрсаткич номи
1.	Йил бошига қолдиқ
2.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилган маблағ*
3.	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар**
3.1.	Тадбирларни амалга ошираётган пудратчи ташкилотларга бажарилган ишларнинг тўланган маблағлар
3.2.	Тадбирларни молиялаштиришга ажратилган, бироқ пудратчи ташкилотларга берилмаган қолдиқ маблағлар
4	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдиқ маблағлар

2-жадвал

(млн сўмда)

Т/р	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштириш таклифлар сон
1.	Ҳудудий ички йўллар	
2.	Умумийтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	5
3.	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	4
5.	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	
6.	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш	
7.	Кўча чироқларини ўрнатиш	
Жами:		9

Халқ депутатлари туман

Кенгаши 2022 йил 7 октябрдаги VI-48-157-8-115-K\22-сонли қарорига 1-ИЛОВА

Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантирилиши юзасидан

МАЪЛУМОТ

(млн сўмда)

Т/р	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантирилиши лозим бўлган маблағлар	
		1-чорак	2-чорак
1.	Туман бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 2,5 фоиз қисми миқдоридан ажратиладиган маблағлар	3 762,0	
2.	Туман бюджетининг қўшимча манбаларининг 30 фоизи миқдоридан ажратиладиган маблағлар	310,5	641,0
2.1.	еркин қолдиқ маблағлари	144,0	
2.2.	Шу жумладан даромадларнинг ҳисобот чораклари якунилари бўйича аниқланган прогноздан ошириб бажарилган қисми	166,5	443,0

2.3.	давлат даромадига ўтказилган мол- мулкни реализатсия қилишдан тушган тушумлар		
2.4.	электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган хуқуқларни сотишдан тушган маблағлар		
2.5.	бюджетдан ажратилган маблағлар камайтирилиши натijasида бўшаб қолган маблағлар	198,0	
2.6			07.04.2022 йилдаги ПҚ- 197-сонли қарорига асосан
2.7			2021 йилдан иқтисод қилинган тушумлар
3.	Жами ажратилган маблағлар	4 072,5	641,0

Халқ депутатлари туман

Кенгаши 2022 йил 7 октябрдаги VI-48-157-8-115-К\22-сонли қарорига 2-ИЛОВА

Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш

учун йўналтирган маблағлар юзасидан

(млн сўмда)

Т/р	Тадбирнинг хос рақами (ИД)	Жами тўпланган овозлар сони	Шундан			Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)	Та
			онлайн овозлар	офлайн овозлар	СМС орқали		
1	1130400213	5 795	17		5778	Музработ туман Тиббиёт бирлашмаси Жаррохлик бо'лими жаррохлик ускуналари олиш	40
2	1130400326	4 120	2	0	4118	Музработ тиббиёт бирлашмаси замонавий компьютерлар олиш	40
3	1130400018	3 707	696		3011	Музработ тумани 35-умумта'лим мактаби бошланғч биносини жорий таъмирлаш, яни дераза эшикларини алмаштириш, ички пол қисмини алмаштириш, электр тармоқларини янгилаш, ички ва ташқи фасат қисмини таъмирлаш ҳамда 6 та синф хона стол стол доска о'рнатиш.	40

4	1130400061	3 697	44	3653	Музработ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 16-умумтаълим мактабининг 28 дона синфхона эшикларини, биринчи қават пол ёғ'очларини янгидан ўрнатиш ва ташқи ҳовли қисмдаги асфалт йўлаклари битон ётқизиғи билан қоплаш, синфхоналар ва фаялардаги чўғлаламали ёриткичларни замонавий лед ёритгичларига алмаштириш.	40
5	1130400325	3 075	3	3072	Музработ тиббиёт бирлашмасига замонавий стол стул олиш	40
6	1130400197	2 886	9	2877	Музработ туман тиббиёт бирлашмасига замонавий аппаратлар о'рнатиш	40
7	1130400050	2 706	12	2694	Музработ тумани 2-мактаб атрофидан 300 метр жойни бетон девор билан о'раш	40
8	1130400021	2 651	87	2564	Музработ туман "Дарбанд" маҳалласи 39-сонли умумий о'рта таълим мактабининг атрофини девор ва темир панжара билан о'раш.	40

9	1130400129	2 384	11	2373	Музработ тумани 12-сонли мактабнинг иситиш тизимини янгилаш, пол қисмини алмаштириш ва том қисмини жорий таъмирлаш.	40
---	------------	-------	----	------	---	----

2022 йил 1-бошқич жами:

2022 йил 2-босқич

1	1130600334	2 779		2 779	Музработ тумани 2-мактабда 1962 йил қурилган мослаштирилган биноларини таъмирлаш.	40
---	------------	-------	--	-------	---	----

2	1130601153	2 763		2 763	Музработ тумани 8-мактаб 1990 йил қурилган бо'либ ҳозиргача капитал та'мирланмаган. Мактабнинг том қисми, фасад қисми ва асвалт қисмлари жуда ҳам та'мирташ.	40
---	------------	-------	--	-------	--	----

3	1130600525	2 456		2 456	Музработ туман 14-сонли мактабнинг бошланг'ич биносини ва технология хоналарини та'мирлаш	40
---	------------	-------	--	-------	---	----

2022-йил 2-бошқич жами:

Жами

